

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**26 Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Кейинги йилларда республика шаҳарлари ва аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини шакллантиришга, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини замонавий шаҳарсозлик меъёрлари ва талабларига мувофиқлаштириш мақсадида уларни реконструкция ва модернизация қилиш борасида кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шаҳарлар, вилоят ва туман марказларини, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларини, шу жумладан ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий махсус транспорт ва механизация воситалари билан жиҳозлаш ҳисобига, ободонлаштириш тубдан яхшиланди. Ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга республика шаҳарлари ва туманларида ободонлаштириш бўлинмалари фаолиятини ташкил этишга ягона ёндашув мавжуд эмас. Ободонлаштириш бўлинмалари турлича ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатади, турлича бошқарув тузилмаларига эга. Натижада аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш самарадорлиги пайсаноқ кетмоқда.

Республика шаҳарлари ва туманларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш ва бошқаришни янада такомиллаштириш, шунингдек маҳаллий бюджетлар харажатларини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг республика шаҳарлари ва туманларидаги ободонлаштириш масалалари бўйича ташкилотларни (бўлинмаларни) қайта ташкил этиш ва уларнинг негизда ободонлаштириш бошқармаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Шаҳарсозлик ҳамда санитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ ободонлаштириш объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин. Уларнинг асосий вазифаларига шу жумладан қуйидагилар киради:

кўчалар, скверлар, хиёбонлар, ёдгорлик мажмуалари ва умумий фойдаланиладиган бошқа кўкаламзор зоналарни кўкаламзорлаштириш, дов-дарахтларни парвариш қилиш бўйича агротехника тадбирларини ўтказиш, уларнинг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш;

йўл-кўприк хўжалигини (кўчалар, йўлаклар қатнов қисмининг йўл қоп-

ламаси, бекат кўтармалари, ер ости ўтиш жойлари, кўприклар, транспорт чорраҳалари ва йўл ўтказгичлар, ён бордюлар, сув чиқариб юбориш тармоқлари ва бошқа сунъий иншоотлар) сақлаш, мукаммал ва жорий таъмирлаш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини сақлаш, мукаммал ва жорий таъмирлаш;

дренаж хўжалигини (вертикал ва горизонтал қудуқлар, очиқ ва ёпик коллекторлар, сунъий ҳавзалар, ер ости ва ёмғир сувларини ҳайдайдиган насос станциялари) ва фаввораларни сақлаш, мукаммал, жорий таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқа ишлар;

электр энергиясини тежаш мақсадида замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларни жорий этган ҳолда йўллар ва кўчаларнинг ташқи ёритиш тармоқларини сақлаш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича бошқа ишлар;

назоратсиз, шу жумладан эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда тутиш ва давлат ветеринария бўлимларига олиб келиш;

экология меъёрларига, санитария, шахарсозлик меъёрлари ва қоидаларига ҳамда бошқа меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ дафн этиш жойлари (қабристонлар) ва қабр устига ўрнатилган ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш;

мавсумий талабларни ҳисобга олган ҳолда ободонлаштириш объектларини санитария жиҳатидан тозалаш.

3. Қўйидагилар:

шаҳарлар ва туманларни ободонлаштириш бошқармалари тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ;

Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ободонлаштириш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

вилоятларга (Қорақалпоғистон Республикасида — республикага) бўйсунувчи шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳар туманлари ободонлаштириш бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Пойтахтни ободонлаштириш ишларини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 11 ноябрдаги 251-сон қарори билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасининг ташкилий тузилмаси, аппарати тузилиши ва у тўғрисидаги низом тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

фаолият кўрсатиб турган ободонлаштириш ташкилотларини (бўлинмаларни) қайта ташкил этишни ҳамда уларнинг негизида шаҳарлар ва туманларда ушбу қарорга 2 — 4-иловаларда назарда тутилган намунавий тузил-

маларга мувофиқ ободонлаштиришнинг тегишли бошқармалари ташкил этилишини;

Шаҳарлар ва туманларнинг ободонлаштириш бошқармалари тўғрисидаги ушбу қарор билан тасдиқланган намунавий низом асосида ободонлаштириш бошқармалари ҳақидаги низомлар тасдиқланишини;

ободонлаштириш бошқармаларига жой ажратилишини ва зарур ҳолларда уларни маъмурий ва ишлаб чиқариш биноларига жойлаштиришни;

ободонлаштириш бошқармаларини малакали мутахассислар, муҳандистехник ва ишлаб чиқариш ходимлари билан бутлашни таъминласинлар.

5. Шаҳарлар ва туманларда ободонлаштириш бошқармаларини қайта тузиш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича 5-иловага* мувофиқ ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ (Н.М. Ханов) ушбу қарорни амалга ошириш юзасидан жойларда давлат ҳокимияти органлари иши мувофиқлаштирилишини таъминласин, уларга зарур методик ёрдам кўрсатсин ва икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисидаги ахборотни киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 10 январь,
4-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 10 январдаги 4-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш
бошқармалари тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом вилоятлар марказлари бўлган шаҳарлар (Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти), вилоятга (Қорақалпоғистон Республикасида — республикага) бўйсунувчи шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларининг (кейинги ўринларда Ободонлаштириш бошқармаси деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

* 5-илова берилмайди.

2. Ободонлаштириш бошқармаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорига биноан ташкил этилади, вилоятларга (Қорақалпоғистон Республикасида — республикага) бўйсунувчи шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасаси ва мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Ободонлаштириш бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, халқ депутатлари Кенгаши қарорларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорлари ва фармойишларига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Намунавий низомга амал қилади.

3. Ободонлаштириш бошқармаси юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган думалок муҳрга, штамплар ва бланкга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий бўлинмаларида шахсий ҳисоб рақамига эга бўлади.

II. Ободонлаштириш бошқармасининг вазифалари ва функциялари

4. Шаҳарсозлик ҳамда санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ ободонлаштириш объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ишларни, шу жумладан қўйидаги ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш Ободонлаштириш бошқармасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

кўчалар, скверлар, хиёбонлар, ёдгорлик мажмуалари ва умумий фойдаланиладиган бошқа кўкаламзор зоналарни кўкаламзорлаштириш, дов-дарахтларни парвариш қилиш бўйича агротехника тадбирларини ўтказиш, уларнинг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш;

йўл-кўприк хўжалигини (кўчалар, йўлаклар қатнов қисмининг йўл қоламаси, бекат кўтармалари, ер ости ўтиш жойлари, кўприклар, транспорт чорраҳалари ва йўл ўтказгичлар, ён бордюрлар, сув чиқариб юбориш тармоқлари ва бошқа сунъий иншоотлар) сақлаш, мукаммал ва жорий таъмирлаш;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини сақлаш, мукаммал ва жорий таъмирлаш;

дренаж хўжалигини (вертикал ва горизонтал қудуқлар, очиқ ва ёпиқ коллекторлар, сунъий хавзалар, ер ости ва ёмғир сувларини ҳайдайдиган насос станциялари) ва фаввораларни сақлаш, мукаммал, жорий таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқа ишлар;

электр энергиясини тежаш мақсадида замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларни жорий этган ҳолда йўллар ва кўчаларнинг ташқи ёритиш

тармоқларини сақлаш, мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича бошқа ишлар;

назоратсиз, шу жумладан эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда тутиш ва давлат ветеринария бўлимларига олиб келиш;

экология меъёрларига, санитария, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига ҳамда бошқа меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ дафн этиш жойлари (қабристонлар) ва қабр устига ўрнатилган ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш;

мавсумий талабларни ҳисобга олган ҳолда ободонлаштириш объектларини санитария жиҳатидан тозалаш.

5. Ободонлаштириш бошқармаси ўзига юкланган вазифаларни бажариш доирасида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

яшил дов-дарахтларни парвариш қилиш (дарахтлар ва буталарга шакл бериш, яшил дов-дарахтларни суғориш, ўсимликлар новдаларига сув пуркаш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, бегона ўтларга қарши курашиш, ўсимликларни касалликлар ва зараркунандалардан кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш ҳамда бошқа агротехника тадбирлари ва ишларини амалга ошириш);

ободонлаштириш объектларининг техник ҳолатини ҳар йили кўздан кечириш ва баҳолаш, уларнинг натижалари бўйича камчиликлар далолатномаларини ҳамда мукамал ва жорий таъмирлашнинг манзилли рўйхатларини тузиш;

лойиҳа-смета ҳужжатларига ва белгиланган тартибда тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ ободонлаштириш объектларини мукамал ва жорий таъмирлашни амалга ошириш юзасидан пудрат шартномалари тузиш;

лойиҳа-смета ҳужжатларига ва белгиланган тартибда тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ ўз кучлари билан ҳамда ихтисослашган пудрат ташкилотлари томонидан бажариладиган ободонлаштириш объектларини мукамал ва жорий таъмирлашнинг бажарилиши юзасидан назоратни ва техник назоратни амалга ошириш;

ободонлаштириш объектларининг муддатидан олдин эскириши ва бузилишининг олдини олиш ҳамда уларни иш ҳолатида сақлаш бўйича профилактика тадбирларини ташкил этиш;

байрамларга, маданий ва сиёсий тадбирларга, хорижий меҳмонлар ва делегацияларнинг келишига тайёрлаш даврида шаҳарлар ва туманлар кўчаларини, майдонларини безатиш;

ёритқичлардаги электр чироқларини, ишдан чиққан нур таратгичларни алмаштириш, кўчалар, йўлкалар, худудларнинг ёритилганлик даражасини ўлчаш, ёритқичларни ўз вақтида ёндириш ва ўчириш, ташқи ёритиш электр тармоқларини, ускуналар ва иншоотларни уларнинг соз ҳолатдалиги юзасидан назорат қилиш ва техник кўриқдан ўтказиш;

кўчалар ва бошқа жойларда тутилган назоратсиз, шу жумладан эгасиз

итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонларни вақтинчалик сақлаш учун махсус жойлар ташкил этиш;

одамлар ва ҳайвонларга жароҳат етказган ёхуд уларга кутилмаганда хуруж қилган ҳайвонларни кейинчалик карантин қилиш учун давлат ветеринария бўлимларига топшириш;

ҳайвонларнинг қутуриши содир бўлган тақдирда тегишли давлат ветеринария бўлимлари билан биргаликдаги ишларни ташкил этиш, шунингдек нобуд бўлган ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларига риоя этган ҳолда зарарсизлантириш;

қабристонлар ҳудудида зарур тартиб ва тозаликни таъминлаш, фуқароларга (ташкilotларга) уларнинг буюртманомаларига биноан дафн этиш участкаларини бепул тақдим этиш, вафот этганларни қабрларни қазииш норма ва қоидаларига риоя этган ҳолда дафн этиш, фуқароларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга буюртмаларини бажариш;

йиғиштириш-тозалаш (супуриш, сугориш, ювиш, чангларни, қорларни, музларни йўқотиш, ирригация хўжалиги объектларини механик тозалаш ва кўчаларни тозалаш-ювиш, эскирган (қуриган), қирқилган дарахтлар, шохшаббалар ва барглари йўқотиш) ишлари комплексини амалга ошириш;

Ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида замонавий технологияларни, автоматлаштириш ва кичик механизация воситаларини жорий этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

Ободонлаштириш бошқармаси объектларида товар-моддий бойликлар ва электр энергиясидан оқилона фойдаланилишини, унга ажратилган бюджет маблағларини сарфлашнинг самарадорлиги ва ошкоралигини, уларнинг ҳисобга олинишини, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботлар топширилишини таъминлаш;

сунъий иншоотларда ишларни олиб боришга техник рухсатнома бериш, шунингдек қурилаётган сунъий иншоотлар ва ер остидан ўтадиган умумий муҳандислик коллекторларининг ҳолати юзасидан техник назоратни амалга ошириш.

Ободонлаштириш бошқармаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III. Ободонлаштириш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш

6. Ободонлаштириш бошқармасига маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли ҳудудий органининг қарорига мувофиқ лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

7. Бошлиқ:

яккабошчилик асосида Ободонлаштириш бошқармаси фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Ободонлаштириш бошқармаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Ободонлаштириш бошқармасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўринбосарнинг, бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, Ободонлаштириш бошқармаси фаолиятининг алоҳида бўлимлари (участкалари)га раҳбарлик қилиш юзасидан жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг бажариши учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

штатлар рўйхатини тасдиқлайди, зарурат бўлганда, Ободонлаштириш бошқармаси тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони ва назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, шунингдек Ободонлаштириш бошқармаси харажатлари сметаси доирасида ўзгартиришлар киритади, кейинчалик уларни тегишли молия органида рўйхатдан ўтказиши;

ходимларни белгиланган тартибда ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлари) тузади, меҳнат шартномаларига (контрактларига) ўзгартиришлар киритади ва уларни тўхтатади;

Ободонлаштириш бошқармаси номидан ишончномасиз ҳаракат қилади ва унинг манфаатларини ҳимоя қилади, ўз ваколати доирасида шартномалар тузади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

8. Бошлиқ ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Ободонлаштириш бошқармаси манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ҳамда Ободонлаштириш бошқармасига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжларга пул маблағларининг ўтказилиши, ўзининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан Ободонлаштириш бошқармасига етказилган зарарлар, шу жумладан Ободонлаштириш бошқармасига берилган мол-мулк йўқолганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

IV. Ободонлаштириш бошқармасининг молия-хўжалик фаолияти

9. Ободонлаштириш бошқармасининг фаолияти:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ҳар йили маҳаллий бюджетлар параметрларида назарда тутилادиган маблағлар;

қуйидагилардан:

фаолият соҳаси бўйича пулли асосда товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишдан;

вақтинчалик фойдаланилмаётган бинолар ва давлатнинг бошқа мол-мулкни ўзга ташкилотларга ижарага беришдан;

юрidik ва жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган хайрия ёрдамидан олинадиган қўшимча даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

10. Бюджет маблағларини ободонлаштириш ишларини бажариш учун

Ободонлаштириш бошқармасининг бўлимлари (участкалари) бўйича тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг функционал классификациясига мувофиқ, тасдиқланган маҳаллий бюджет параметрлари доирасида амалга оширилади.

11. Ҳисобга олишни, статистик ва молиявий ҳисоботларни юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

V. Яқунловчи қоидалар

12. Ободонлаштириш бошқармаси ҳисобот даври тугагандан кейин ваколатли органларга рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий ҳисоботларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

13. Ободонлаштириш бошқармаси фаолиятини назорат қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Ободонлаштириш бошқармаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори билан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Нукус шаҳар ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ободонлаштириш бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган сони:

бошқарув ходимлари (БХ) — 13,5 киши;

* муҳандис-техник ходимлар (МТХ): шаҳарларда — Андижонда — 12 киши, Бухорода — 14 киши, Қаришида — 10 киши, Навоийда — 7 киши, Наманганда — 14 киши, Нукусда — 9 киши, Самарқандда — 14 киши, Фарғонада — 14 киши; Гулистон, Жиззах, Термиз ва Урганч шаҳарларида — 7 кишидан;

ёрдамчи ходимлар — 7 киши.

Изоҳ: ишлаб чиқариш ходимлари сони базариладиган ишлар ҳажмига кўра белгиланади.

Вилоятларга (Қорақалпоғистон Республикасида — республикага) бўйсунувчи шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган сони:

бошқарув ходимлари (БХ) — 9 киши; муҳандис-техник ходимлар (МТХ) — 2 киши; ёрдамчи ходимлар — 6 киши.

Изоҳ: ишлаб чиқариш ходимлари сони бажариладиган ишлар ҳажмига кўра белгиланади.

Тошкент шаҳар туманлари ободонлаштириш бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган сони:
бошқарув ходимлари (БХ) — 16 киши; *муҳандис-техник ходимлар (МТХ) — 8 киши; ёрдамчи ходимлар — 7 киши.
Изоҳ: ишлаб чиқариш ходимлари сони бажариладиган ишлар ҳажмига кўра белгиланади.